



МУНОСАБАТ

ҲАММА ОНАЛАР ҲАМ БОЛАЛАРИНИНГ БАХТИНИ КЎРСИ

Ҳар бир она учун фарзандининг камоллини, ютуқларини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Буни айтиб, тушунтириб бўлмайди, буни оналар яхши билишади. Кўча-кўйда юрсам, «Ана, Бектемирнинг онаси келяпти», деган гаплар қўлғимга чалинади. Шундай пайтда юрагим қувончга тўлиб-тошади, ғурурланиб кетаман... Ҳа, менинг ўғлим юртимизда спортчилар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, катта мусобақаларда иштирок этяпти, галабаларга эришяпти, юзимишни ёруғ қилаяпти.

Биз Фарғона вилоятининг энг четдаги Фурқат тумани Шомбек қишлоғида яшаймиз. Агар бундан 20-25 йил аввал бизнинг қишлоқдан бирон-бир бола жаҳон чемпионати боради деса, ким ишонарди? Чемпион бўлди, деган гап ҳаёлга ҳам келмасди. Лекин бугун кўпбала қишлоқ болалари дунё мусобақаларида қатнашиб, ғолиб бўлишмоқда. Ўғлим Бектемир иккинчи ўсмирлар олимпиадаси ғолиби бўлди, Осиё ва жаҳон чемпиони бўлди. Катталар ўртасида Осиё чемпионатида ғолиб чиқди. Жаҳон чемпионатида кумуш медаль олди.

Яна бир гапни ифтихор билан айтмоқчиман. Мустақиллик байрами арафасида Юртбошимиз фармони билан ўғлим «Шухрат» медали билан тақдирланган эди. Конституция байрами арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг шахсан ўзи бу мукофотни топширди. 2016 йилги ёзги Олимпиадада чемпион бўлишига тилак билдирди. Буни телевизор орқали кўраётганимда хурсандчиликдан кўз ёшларимни тўхтата олмадим. Ўша лаҳзалардаги ҳаяжонимни, қувончимни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Кеча қишлоғимизда гап тарқалди. Президентимиз ўғлимга мукофот топширганини кўрган ота-оналарнинг кўпчилиги ўғилларини бокс мактабига олиб боришибди.

Ўзим ҳамшира бўлиб ишлайман ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг аҳамиятини яхши биламан. Соғлом она ва бола йили Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортни, тиббиётни янада ривожлантириш тўғрисида муҳим вазифалар белгиланишига ишонаман.

Юртимиздан яна кўпбала чемпионлар чиқади. Бунинг учун ҳамма шароит яратилган. Илоҳим, ҳамма оналарга ҳам болаларининг бахтини кўриш насиб этсин.

Наврўза СУЛАЙМОНОВА,
Фурқат тумани.

Хушхабар: Осиё бокс конфедерацияси турли номинациялар бўйича 2015 йилнинг ғолибларини аниқлади. Энг яхши боксчи, энг яхши мураббий, деб Ўзбекистон вакиллари Бектемир Мелиқўзиев ва терма жамоа мураббийи Рустам Саидов тан олинди.

БРИФИНГ

Видео-кузатув мосламалари

ўрнатиш чора-тадбирлари белгиланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳридаги кўп қаватли турар-жойлар, маҳалла ва мавзелада видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ишларини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ҳақида сўз борди.

— Ушбу ҳужжат кўп қаватли турар-жойларнинг умумфойдаланишдаги муҳандислик тармоқларини, ертўла ва чордоқ қисмларини техник соҳада сақлаш, турли жиноий ҳаракатларга чек қўйиш ҳамда ҳавфсизлик чораларини қўлайтиришга қаратилган, — деди ҳокимлик Ахборот хизмати раҳбари Хусан Эрматов.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳрида кўп қаватли турар-жойларга, маҳалла ва мавзела-

ларда ташки видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш тавсия этилмоқда. Видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш махсус ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар, сервис компаниялари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан ҳар бир хонадон билан тузаладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Мазкур фармойишга кўра, Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда туман ҳокими биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида ишчи гуруҳлари тузилади. Видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар аниқланиб, улар томо-

нидан кўп қаватли уйларда, маҳалла ва мавзелада видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ишлари ташкиллаштирилади. 10 кун муддатда ташки видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш бўйича аниқ тақлифлар тайёрланиб, камераларни жойлаштиришда кўп қаватли уйларнинг кириш-чиқиш жойлари, маҳалла ва мавзеладаги йўл ва йўлакларни тўлиқ қамраб олиниши зарур. Шунингдек, фармойишда бу борада аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Видео-кузатув мосламаларининг марказлашган кузатув хоналари ҳудуд профилактика инспекторлари хизмат хоналарида ташкил қилинади.

Раваҳан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Оқил ҒУЛОМОВ (3-ра) олган сурат.

ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГЛАР АНИҚЛАНДИ

«Туркистон» саройида «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган танловнинг кўриб чиқишда мингдан зиёд педагог иштирок этди. Унда

ўқитувчиларнинг ўқитиш методикаси, қобилияти, илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдалана олиш даражаси, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таълим-тарбия жараёнига нечоғли

жорий этиши синовдан ўтказилди.

Танловда 23 йўналиш бўйича 59 педагог ғолиб ва совриндор бўлди. Уларнинг билим ва маҳорати «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог», «Энг яхши педагог тадқиқотчи», «Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог» номинациялари бўйича ҳам аниқланди. Фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Шерали Каримов,
Мирзо Улуабек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетини талабаси:

— Ҳаммамиз қонунни ўрганишга, ундан тўлиқ хабардор бўлишга интиламиз. Депутатлар билан учрашувларда, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўляпмиз. Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиб, қабул қилингандан сўнг, Сенатга юборилишидан хабарим бор. Олий Мажлис Сенатида қонунни кўриб чиқиш тартиби қандай экани ҳақида тўлиқроқ билишни хоҳайман.



Алия Юнусова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси
аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги қонунда қонунни кўриб чиқиш, келишув тартиб-қоидалари белгиланган.

Қонун Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат Раиси уни

дастлабки тарзда кўриб чиқиш аналга оширадиган масъул қўмитани белгилайди ва унинг натижалари юзасидан масъул қўмита хулоса қабул қилади.

Сенат бундай хулосани олганидан кейин қонунни муҳокама қилади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан маъқулланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унга қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларни, конституциявий қонунлар ҳамда уларга қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларни маъқуллаш учун эса сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади. Овоз бериш очик ёки яширин бўлиши мумкин. Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан Сенат мажлисида ҳозир бўлган сенаторларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Гап шу ҳақида кетганда яна бир нарсани таъкидламоқчиман.

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг раисини сайлайди.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича хулоса қабул қилинади.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

тажрибасини оммалаштириш мақсадида
мамлакатимиз бўйлаб ҳудудий семинарлар
ўтказилляпти

— Бошланғич партия ташкилотларида салоҳиятли, ташаббускор, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдон етакчилар сафини кенгайтириш, уларнинг тажрибасини мунтазам ошириб бориш лозим;

— Ҳудудий партия кенгашлари ва депутатларнинг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш керак...

Самарқандда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар орасида ана шундай тақлифлар, ҳаётий мисол ва таҳлиллар кўп эди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бирида ўзига хос нуктаи назар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ёндашув бор.

Шу тариқа тадбирда сиёсий партиялар олдида жиддий ва масъулиятли вазифалар қўйилаётган бугунги даврда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш бўйича атрофлича фикр алмашилди.

► Давоми 2-бетда.

Янгиликлар,
Бунёдкорликлар,
Хабарлар...

Болалар саломатлиги — бош масала

Шу кунларда республикамиз вилоятларида бир қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Гулистон шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими ана шулардан бири.

Мазкур бинони таъмирлаш учун Инвестиция дастури асосида 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ҳақда Сирдарё вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Барча шарт-шароитларга эга бўлган, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, 50 ўринга мўлжалланган жарроҳлик бўлимининг очиқиш маросими катта тантангага айланиб кетди.

2015 йилнинг Инвестиция дастури бўйича Сирдарё вилоятида 8 тиббиёт биноларида амалга оширилган янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари учун 22,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Йўл қурилиши

йил охирига қадар
яқунланади

Жорий йилда Бухоро вилоятидаги халқаро ва давлат аҳамиятига молик 29,7 километр автотўйларнинг реконструкцияси ва мукамал таъмирлаш ишлари низоҳасига етказилади. Бу ҳақда «Ўзавтотўй» ДАК матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ҳозирда вилоятнинг Қорақўл тумани ҳудудидан ўтадиган «Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши» халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 19,7 километр қисмида реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунланган.

«Ўзавтотўй» ДАК Бухоро вилоят бўлими томонидан берилган маълумотларга кўра, йил охирига Когон тумани ҳудудидан ўтадиган М-37 автотўй йўлининг 10 километр масофаси тўлиқ таъмирланади.

Янги иш ўринлари

яратилмоқда

Асака туманидаги «Махсус бутловчи» масъулияти чекланган жамиятида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун йиғирма турдаги бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.

Корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида қарийб 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ҳақда Андижон вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Махсус бутловчи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Араббой Каримов. — Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар туфайли бир неча замонавий компрессор ва пресслаш дастгоҳи келтириб ўрнатилди, янги техника воситалари харид қилинди. Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 35 ишчининг аксарияти ёшлардир.

Янги йилдан бу ерда яна бир неча турдаги бутловчи қисмларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Махсулот турини кўпайтириш ҳисобидан корхонада ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади, энг муҳими, қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА
замонавий корпоратив бошқарув
услуглари жорий этилмоқда



Венесуэлада бўлиб ўтган парламент сайловларида социал ғояларни илгари сураётган сиёсий партия қандай натижа қайд этди?

